“Autosanoat agro lizing” МЧЖга ишга қабул қилиш учун номзод билан ўтказилган суҳбат

Баённомаси № 17

Тошкент шаҳри 13.05.2023 йил

Иштирок этувчилар: Б.Каримов, О.Сайфуллаев, С.Атаматова, Х.Ниязалиев, И.Миразимов ва Ш.Ражабов.

Таклиф этилганлар: ишга қабул қилишга тавсия этилаётган номзод (А.Халияров)

КУН ТАРТИБИ

“Autosanoat agro lizing” МЧЖга ишга қабул қилиш учун номзод билан суҳбат ўтказиш.

Эшитилди: Жамият бош директори Каримов Бурхан Муминович, лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг олувчилар билан тузилган шартномалар талабларига биноан фойдаланилиши ва уларнинг ҳақиқий ҳолати мониторингини юргизиш ҳамда лизинг тўловларини графикларда белгиланган муддатларда ундирилишини таъминлаш мақсадида вилоятларда минтақавий филиаллар очилганини ва ушбу филиалларга малакали мутахассислар олиниши лозимлигини маълум қилди.

Шунингдек, Ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис С.Атаматова мутахассисларнинг минтақавий филиаллар томонидан иш фаолияти давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан берган топшириқлари ҳамда номзод билан суҳбат ўтказиш учун “Кашқадарё минтақавий филиали” Сурхондарё вилояти бўйича мониторинг ва маркетинг бўйича мутахассисларини жалб қилиш тўғрисидаги кўрсатмаларини айтиб ўтди.

Шунинг билан бирга, “Қашқадарё минтақавий филиали”нинг Сурхондарё вилояти буйича бош мутахассис лавозимига тавсия этилган номзод Халияров Абдимурат Холмирзаевични таништирди.

Жамият бош директори Б.Каримов, бош директори ўринбосари - “Мониторинг ва маркетинг бошқармаси” бошлиғи О.Сайфуллаев, “Ходимлар ва иш юритиш бўйича” бош мутахассис С.Атаматова, “Мониторинг бўлими” бошлиғи Ф. Жўраев, “Молия бўлими” бошлиғи ўринбосари И.Миразимов ва “Юридик бўлим” бошлиғи Ш.Ражабовлар томонидан, “Қашқадарё минтақавий филиали”ни бош мутахассис лавозимига тавсия этилаётган номзод Халияров Абдимурат Холмирзаевични билан, унинг малакасини ўрганиш учун билими ва тажрибаси юзасидан савол-жавоб асосида суҳбат ўтказилди:

Мажлис иштирокчилари қарор қилади:

Ходимлар ва иш юритиш бўйича бош мутахассис С.Атаматова бош директорнинг филиаллар томонидан келгусидаги иш фаолиятида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан берган топшириқлари ҳамда номзод билан суҳбат ўтказиш учун Мониторинг ва маркетинг бўйича мутахассисларини жалб қилиш тўғрисидаги кўрсатмалари маълумот учун қабул қилинсин.

“Қашқадарё минтақавий филиали”ни бош мутахассис лавозимига номзод Халияров Абдимурат Холмирзаевични билан суҳбат ўтказилган деб ҳисоблансин ва унга келишув варағини расмийлаштириш ҳамда ишга қабул қилиш ишлари ташкил этилсин.

Раислик қилувчи **С.Атаматова**